



ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ: МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР

2



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ФУҚАРОЛИК: МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР

(амалий қўлланма)

«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент – 2021

УЎК: 342.4(575.1)(072)
КБК: 67.400.1(5Ў)я7
Ў 32

Фуқаролик: муҳим маълумотлар (амалий қўлланма) – Т.:
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 96 б.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари
М.Икрамовнинг умумий таҳрири остида

ISBN 978-9943-7296-2-9

УЎК: 342.4(575.1)(072)
КБК: 67.400.1(5Ў)я7
Ў 32

ISBN 978-9943-7296-2-9

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

МУНДАРИЖА

КИРИШ	5
I. КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОСИ ҲИСОБЛАНАДИ?	7
II. ФУҚАРОЛИК МАСАЛАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ	10
III. ФУҚАРОЛИККА ЭГА БўЛИШ ВА УНИ ЙЎҚОТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ	13
Фуқароликка алоҳида тартибда қабул қилиш	19
Фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш	20
Фуқароликдан чиқиш	22
Фуқароликни йўқотиш асослари ва расмийлаштириш тартиби	27
IV. ФУҚАРОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ВА УЛАРГА ҲОМИЙЛИК КЎРСАТИШ КАФОЛАТИ	40
V. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БўЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ	43

Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуqlари, эркинликлари ҳамда мажбуриятлари	45
Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, чиқиши ва давлатимиз худуди орқали транзит ўтиши тартиби	49
VI. ФУҚАРОНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАСИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?	58
ID-картани расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартиби	61
ID-картадан фойдаланиш	63
VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ЯШОВЧИ ЧЕТ ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАСИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ	65
ID-картадан фойдаланиш	70
VIII. ХОРИЖГА ЧИҚИШ БИОМЕТРИК ПАСПОРТИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?	72
Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тартиби	76
Хорижга чиқиш ҳуқуқидаги чекловлар	86
Консуллик рўйхати нима?	87
IX. ХОРИЖДА ФУҚАРОЛИК МАСАЛАЛАРИ	90
ФУҚАРОЛИККА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР	95

КИРИШ

Конституциямиз давлат мустақиллиги, халқимизнинг тинчосуда ҳаёти, фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати, юртимизда бозор муносабатлари ҳамда хусусий мулк устуворлигига асосланган демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Айни чоғда у халқимизни озод ва обод Ватан, эркин ҳамда фаровон ҳаёт қуришдан иборат улуғ мақсад йўлида бирлаштирувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Халқ давлат ҳокимиютининг бирдан бир манбаи бўлиб, давлат халқ иродасини ифода этади ва унинг манфаатларига хизмат қиласди. Давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдир. Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фуқаро – конституциявий ва фуқаролик ҳуқуқида жисмоний шахс саналиб, расмий жиҳатдан (яъни ҳужжатга эга бўлиб) бирон-бир давлатга тегишили ҳисобланади. Фуқаро ўзи яшаб турган давлат билан доимо муносабатда бўлади.

Фуқаролик – шахснинг муайян давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси; бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларида ифодаланади. Шахс фуқароликка эга бўлгач, давлат унинг ҳамма ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этади, уларнинг амалга ошишини таъминлаш чораларини кўради. Фуқароларнинг манфаатларини давлат, фуқаролар бошқа мамлакатлар ҳудудида турган вақтда ҳам ҳимоя қиласди, уларга ҳомийлик кўрсатади. Ўз

навбатида, фуқаролар давлат қонунлари ва қоидаларга сўзсиз риоя қиласидар, ўзлари учун белгиланган мажбуриятларни бажарадилар.

Фуқароликнинг ҳуқуқий ҳолати Конституция, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган.

Давлатимизнинг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилган. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндишида ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Давлатимизнинг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар олдида масъулдир.

Фуқароликка қабул қилиш, фуқароликни тиклаш, фуқароликдан чиқиш ёки фуқароликни йўқотиш тўғрисидаги ҳужжатлар Президент томонидан фармонлар тарзида қабул қилинади ва имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

I. КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФУҚАРОСИ ҲИСОБЛАНАДИ?



- 1992 йил 28 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс;
- Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва 1992 йил 28 июлга қадар ўқиш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган ҳамда узлуксиз равишда таълим олган ёхуд ҳарбий хизматни ўтаган ва ўқиш ёки ҳарбий хизмат тугаганидан кейин бир йил ичida Ўзбекистонга қайтиб келган ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган шахс, башарти унинг чет давлат фуқаролиги мавжуд бўлмаса;
- «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлган шахс;

- «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ фуқароликни олган шахс.

Шунингдек, 2005 йил 1 январга қадар давлатимизда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдиридан тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кунга қадар мамлакатимизда камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва давлатимизда яшаб келаётган бола хоҳиш билдиридан тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Фуқаролик паспорти, идентификацияловчи картаси ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатdir.

Ўн олти ёшга тўлмаган боланинг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар

Қўйидагилар 16 ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатdir:

- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (боланинг туғилган жойидан қатъи назар) – ота-онасидан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мавжуд эканлигини кўрсатувчи паспорти, идентификацияловчи картаси ёки бошқа ҳужжати кўрсатилганда;
- туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (бала давлатимизда туғилган тақдирда) – фуқаролиги бўл-

маган шахслар бўлган ота-онанинг (ёлғиз отанинг ёки онанинг) Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси кўрсатилганда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эрхотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Эр-хотиндан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Никоҳнинг бекор қилиниши ушбу никоҳда туғилган ёки никоҳ бекор қилингунига қадар фарзандликка олинган боланинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

Фуқаронинг хорижда яшashi Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилишига сабаб бўлмайди, шунингдек хориждаги фуқароларимиз Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомийлиги остида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ўз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали фуқароларимизнинг чет давлат қонунчилигига, мамлакатимиздаги ва халқаро шартномаларда ўзига берилган барча ҳуқуқлардан, халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормаларидан, халқаро урф-одатлардан тўлақонли фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун чоралар кўриши шарт. Консуллик муассасалари, шунингдек дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўйимлари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради.

II. ФУҚАРОЛИК МАСАЛАСИНИ КҮРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ



Фуқаролик масалалари юзасидан илтимоснома ва аризалар:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турған шахс томонидан – доимий яшаш жойидаги ички ишлар органига;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарыда яшовчи шахс томонидан – Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхонасининг консуллик бўлимига топширилади.

Фуқароликка соддалаштирилган тартибда қабул қилиш хақидаги илтимоснома шахснинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча турған жойи бўйича рўйхатга олинган ички ишлар органига топширилиши мумкин.

Фуқаролик масалалари юзасидан қабул қилинган илтимосномалар ёки аризалар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид «E-Fuqaro» идораларо маълумотлар базасида рўйхатдан ўтказилади. Ариза берувчининг талабига биноан уч иш куни ичида унинг илтимосномаси ёки аризаси қабул қилинганлиги ва рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида санаси кўрсатилган ҳолда маълумотнома берилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, фуқароликни тиклаш, фуқароликни тан олиш, фуқароликдан чиқиш, фуқароликни йўқотиш ва фуқароликка мансуб эмаслик тўғрисида маълумотнома бериш бўйича материаллар икки нусхада юритилади. Материалларнинг бир нусхаси уни қабул қилган ички ишлар органи ёки консуллик муассасасида сақланади, иккинчи нусха эса Президент ҳузуридаги Фуқаролик масалалари бўйича комиссиясига юборилади.

Шунингдек, илтимоснома, ариза ва сўровнома қўлда ёки техник воситаларда тўлдирилади. Уларни тўлдиришда қисқартма ёки аббревиатура қўллашга йўл қўйилмайди.

Сўровномадаги жавоблар тўлиқ ёритилган, ҳужжатлар матни тушунарли ва тузатишларсиз бўлиши лозим.

Мазкур масалалар юзасидан мурожаат этган шахс ўз шахси ва фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этиши лозим.

Шахснинг биографик маълумотлари (туғилган санаси ёхуд фамилияси, исми ёки отасининг исми) ўзгарган тақдирда, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Ота-онаси ёки улардан бирининг фуқаролиги ўзгарганда уларнинг илтимосномасига кўра, ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги фақат унинг ёзма розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Бола имзосининг ҳақиқийлиги «Нотариат тўғрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ ёки консуллик муассасаси масъул ходимининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланади.

Ариза берувчи томонидан туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, паспорт, фуқаронинг идентификация ID-картаси, фуқаролиги бўлмаган шахснинг давлатимиз ҳудудида яшаш гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификация

ID-картаси никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалар нусхаси билан бирга тақдим этилади.

Масъул ходим томонидан ушбу ҳужжатларнинг нусхалари асли билан солиштирилиб, ваколатли орган мухри билан тасдиқланади, ҳужжатларнинг асли ариза берувчига қайтариб берилади.

Ариза берувчи томонидан тақдим этиладиган Ўзбекистон Республикаси давлат тилида бўлмаган ҳужжатлар аризачи томонидан давлат тилига таржима қилинади.

Агар ҳалқаро шартномада бошқача қоидалар белгиланмаган бўлса, хориждаги мутасадди ташкилотлар томонидан берилган ҳужжатлар, уларни Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий ҳисоблаш учун легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган бўлиши лозим.

Ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган илтимоснома ёки ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тақдим этилган пайтдан эътиборан кўриб чиқиш учун қабул қилинган деб ҳисобланади.

Узрли сабаблар мавжуд бўлганда (касаллик, консуллик муасасасининг мавжуд эмаслиги) нотариал тартибда тасдиқланган илтимоснома ёки ариза ишончли шахслар орқали берилиши мумкин.

Илтимоснома ёки аризага илова қилинаётган ҳужжатлар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаганлиги, ариза берувчи томонидан ёлғон маълумот, ҳақиқий бўлмаган ва сохта ҳужжатлар тақдим этилиши илтимоснома ва аризаларни қабул қилмаслик учун асос ҳисобланади.

Ариза берувчи томонидан сохта ҳужжатлар тақдим қилганлик ҳолати аниқланганида, материаллар қонунчиликка мувофиқ қонуний қарор қабул қилиш учун тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга юборилади.

III. ФУҚАРОЛИККА ЭГА БЎЛИШ ВА УНИ ЙЎҚОТИШ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ



Ўн саккиз ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандош фуқароликка соддалаштирилган тартибда қабул қилиш бўйича мурожаат қилиши мумкин, агар у:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ва Республика фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган лоақал битта ўзидан олдинги қариндошга эга бўлса;

Иккинчидан, тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса;

Учинчидан, Конституциямизга риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

Тўртинчидан, давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса.

Фуқароликка соддалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан ушбу шаклдаги илтимоснома тақдим этилади:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ

(Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фамилияси,
исми ва отасининг исми)

(ариза берувчининг яшааш манзили)
манзили бўйича яшовчи

(ариза берувчининг фуқаролиги ёки
фуқаролиги бўлмаганлиги, фамилияси,
исми ва отасининг исми кўрсатилади)
томонидан

ИЛТИМОСНОМА

Ҳурматли (Ўзбекистон Республикаси Президентининг
исми ва отасининг исми)!

Мени Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишингизни илтимос қиласман.

Мен Ўзбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқли фуқароси
сифатида унинг ривожланишига ўз ҳиссамни қўшишни истайман.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига
риоя этиш мажбуриятини ўз зиммамга оламан, ўзбек халқининг
миллий анъаналари, удумларини ҳурмат қилишга ваъда бераман.

(имзо)

Фамилияси, исми, отасининг исми

20____ й. «_____» _____

Мазкур илтимоснома билан бирга қуйидаги ҳужжатлар:

- туғилганлик тұғрисидаги гувоҳнома;
- чет давлат фуқаросининг паспорти ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати ёхуд яшаш гувоҳномаси (фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси);
- никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тұғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);
- илтимосномада бола кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тұғрисидаги гувоҳномаси ва чет давлат фуқаросининг паспорти ёки яшаш гувоҳномаси ёхуд фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси (мавжуд бўлса), бунда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг ёзма розилиги олинади;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошининг паспорти (ID-картаси);
- тирикчиликнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- ўзлари фуқароси бўлган давлатнинг мутасадди органидан судланганлик ҳолати мавжуд ёки йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- давлат божи (консуллик йиғими) тўланганлиги тұғрисидаги ҳужжат берилади.

Давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билишини тасдиқловчи ҳужжат ваколатли орган томонидан идоралараро маълумот алмашинуви тизими орқали олинади.

Фуқароликка соддалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан расмийлаштирилган материал консуллик муассасаси томонидан қабул қилингач, масъул ходим ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқади ва сўровномага ўзининг лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Бир вақтнинг ўзида сўровномада кўрсатилган маълумотлар консуллик муассасасининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичida «Интерактив консуллик хизматлари» ахборот тизимига киритилади ва Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Материал муқовасида ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, тартиб рақами ва бошқа маълумотлар (қабул қилинган сана, сақлаш муддати) кўрсатилади.

Материалнинг бир нусхаси дипломатик почта жадвалига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими ўн иш куни ичидаги Консулият ахборот тизими орқали келиб тушган маълумотлар асосида «E-Fuqaro» ИМБда шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манбаатдор вазирлик ва идораларга юборади.

Манбаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «E-Fuqaro» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича фуқароликни қабул қилишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ой муддатда хulosада тайёрланади ҳамда ташқи ишлар вазири ёки унинг ўринbosарларидан бири томонидан тасдиқланади.

Хulosада ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича (текширув варақасидаги маълумотлар асосида) унинг ўзи ҳамда яқин қариндошлари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади.

Текширув варақаси ва хulosада келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласий аҳволи, фарзандлари, яшаш жойи;
- яқин қариндошлари ва уларнинг фуқаролиги;
- умумий ўрта ва олий таълим муассасаларида таълим олган даври;
- меҳнат фаолияти;



- пенсияга чиқиш санаси ва ногиронлик гуруҳи (агар мавжуд бўлса);
- агар шахс давлатимиз фуқаролигидан чиқсан ёки фуқароликни йўқотган бўлса, Президентнинг тегишли Фармони санаси ва рақами;
- муқаддам фуқароликка қабул қилиш ҳақидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги бўйича маълумот (агар кўрилган бўлса);
- Давлатимиз ҳудудида жиной жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/миқдори тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Комиссия Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига содалаштирилган тартибда қабул қилиш юзасидан расмийлаштирилган материални қабул қилиб, кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилиш учун Президентга таклиф киритади.

Президентнинг розилиги олинган тақдирда, Комиссия томонидан бу ҳақда тақдим этилган хатга асосан ваколатли орган уч иш куни ичida ариза берувчи ва унинг илтимосномасида кўрсатилган оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тўғрисидаги кафолат хатини, қуйида кўрсатилган жадвалга мувофиқ расмийлаштиради ва ўн иш куни ичida ариза берувчига хабар бериш чораларини кўради. Бунда, кафолат хати илтимосномада кўрсатилган ҳар бир оила аъзосига берилади.

Ушбу Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тўғрисида кафолат хатининг эгаси унда кўрсатилган муддат мобайнида

(чет давлат номи)

фуқаролиги тугатилганлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этса, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси 7-қисмида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинади.

Фамилияси, туғилганлиги бўйича фамилияси, исми, отасининг исми (мавжуд бўлса):

Туғилган сана:	Туғилган жой:
----------------	---------------

Яшаш манзили:

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги

(чет давлат номи)

фуқаролиги тугатилганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этилган тақдирда берилади.

Ушбу кафолат хати 20____ йил «____» _____ га қадар амал қиласди.

Кафолат хати илтимоснома берган шахснинг амалдаги ва ҳуқуқий шароитлари, айниқса, Ўзбекистон Республикасига бўлган шахсий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги берилгунга қадар ўзгармаслиги шарти билан берилади.

Худуд номи ва ваколатли орган раҳбарининг лавозими		Раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми
20____ й. «____» _____	(имзо, муҳр)	

Кафолат хати бланки қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга.

Бланклар Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлигининг буюртмасига асосан «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

Кафолат хати ваколатли орган томонидан ариза берувчига ёки унинг қонуний вакилига тақдим этилади ёхуд почта орқали юборилади.

Кафолат хатининг амал қилиш муддати – бир йил. Комиссиянинг қарорига асосан кафолат хатининг амал қилиш муддати яна бир йилга узайтирилиши мумкин. Бунинг учун ариза берувчи кафолат хатининг амал қилиш муддати тугашидан кўпи билан бир ой олдин ваколатли органга ариза билан мурожаат қиласди. Аризада кафолат хатининг амал қилиш муддатини узайтириш сабаби кўрсатиб ўтилади. Ариза «E-Fuqago» ИМБга киритилиб, Комиссияга юборилади.

Комиссия мазкур масалани кўриб чиқади ва натижаси бўйича кафолат хати амал қилиш муддатини узайтиришга розилик бериш ёки рад этиш ҳақида баённома қарорини қабул қиласди.

Фуқароликка қабул қилиш ариза берувчи чет давлат фуқаролигидан чиқсанлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этганидан кейин амалга оширилади.

Ариза берувчи томонидан чет давлат фуқаролигидан чиқиш (йўқотиш) ҳақидаги ҳужжат ваколатли органга топширилади, ушбу ҳужжат Комиссияга юборилади. Ариза берувчи яшайтган давлатда Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси мавжуд бўлмаса, ушбу ҳужжат тегишинча Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлигига қонуний вакил ёки почта орқали юборилиши мумкин.

Президент соддалаштирилган тартибда фуқаролик беришни рад этган тақдирда Комиссия томонидан бу ҳақда тақдим этилган хатга асосан ваколатли орган уч иш куни ичидаги ариза берувчига хабар бериш чораларини кўради.

Фуқароликка алоҳида тартибда қабул қилиш

Комиссиянинг талабига асосан ваколатли орган фуқароликка қабул қилинаётган шахс томонидан тўлдирилиб, Президентномига ёзилган илтимоснома, чет давлат фуқаросининг паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳаракатланиш ҳужжати ёки яшаш гувоҳномаси (фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси) нусхасини қабул қиласди ва уларни Комиссияга юборади.

Фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Конунга мувофиқ:

– 2005 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳамда муқаддам чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

– Ўзини Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикасида камида ўн беш йил доимий яшаб келаётган ва мазкур давр мобайнида чет давлат фуқаролигида бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

– Ота-онасидан бири (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ва Ўзбекистон Республикасида яшаб келаётган бола хоҳиш билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

Юқорида келтирилган шартлардан лоақал бирининг мавжуд эмаслиги, фуқароликни тан олишни рад этишга асос ҳисобланади.

Фуқароликни тан олиш илгари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, Президент Фармонига биноан фуқаролиги тугатилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

**Фуқаролигини
тан олиш
юзасидан
қандай
хужжатлар
тақдим
этилади?**



- сўровнома;
- яшаш гувоҳномаси (фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси);
- никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);
- ариза берувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотнома (ўзгаришлар мавжуд бўлса);
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги хужжат.

Масъул ходим томонидан ушбу ҳужжатларнинг қонунийлиги ўрганиб чиқилган ҳолда, аслидан нусха олиниб, муҳр билан тасдиқланади ва ҳужжатларнинг асли ариза берувчига қайтариб берилади.

Доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олингандлик ҳолати фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан юритилган йиғма иш жилдидага сақланган собиқ Иттифоқ паспорти ҳамда ҳисоб варақалари, уй дафтари ёки хўжалик китобида доимий рўйхатдан ўтганлик (пропискага қўйганлик) тўғрисидаги белгининг мавжудлиги билан тасдиқланиши мумкин.

Хужжатларни қабул қилган масъул ходим томонидан ўн иш куни ичида фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан юритилган материалдаги фуқаролиги бўлмаган шахс мақомини белгилаш учун асос бўлган ҳамда унинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олингандилигини тасдиқловчи ҳужжатлардан нусха олинади, гербли муҳр ва ўз имзоси билан тасдиқланади.

Башарти, мавжуд маълумотлар бўйича шахснинг давлатимизда 1995 йил 1 январга қадар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олингандилиги ҳолатини тасдиқлаш имкони бўлмаганда, шахсга ҳужжатлар қайтариб берилади ва ушбу ҳолатни суд тартибида тасдиқлаш ҳақли эканлиги тушунтирилади.

Фуқароликни тан олиш бўйича ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар материалга қўшилади, тўплангандек ҳужжатлар асосида фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиб, доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олингандилиги текширилиб, текшириш якуни бўйича туман-шаҳар ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланадиган маълумотнома тайёрланади.

Материал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига юборилади. Бунда, масъул ходим томонидан тўплангандек ҳужжатлар асосида маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишга оид талабнома шакллантирилади.

Тақдим этилган ҳужжатлар бир ойлик муддатда ўрганиб чиқилиб, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунда назарда тутилган ҳолатлар ўз тасдигини топган тақдирда, хулоса тайёрланади ва Қорақалпоғистон Республикаси ички



ишлиар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишилар бош бошқармалари бошлиқлари, вилоятлар ички ишлиар бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Хуносанинг бир нусхаси тўплланган материалга илова қилиниб, Ички ишлиар вазирлигига келишиш учун юборилади. Хуносада идораларо маълумотлар базасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишга оид шакллантирилган талабномага мувофиқ, қайдлар киритилиши лозим.

Ички ишлиар вазирлиги келиб тушган материални бир ойдан кўп бўлмаган муддатда ўрганиб чиқиб, хуноса асослантирилганлигини текширади ва ўз муносабати билдирилган хатни Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлиар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлиар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлиар бошқармалари орқали ҳудудий ички ишилар органига юборади.

Ички ишлиар органи томонидан ариза берувчига бу ҳақда уч иш куни ичида хабар берилади ва ID-картасини расмийлаштириш чоралари кўрилади.

Фуқароликдан чиқиши

Ўн саккиз ёшга тўлган ва муомала лаёқатига эга бўлган давлатимиз фуқароси ўз хоҳиш-истагига кўра «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунда кўрсатилган тартибда фуқароликдан чиқиши мумкин.

Фуқароликдан чиқиш учун бериладиган илтимоснома:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
(Ўзбекистон Республикаси Президентининг
фамилияси, исми ва отасининг исми)

(ариза берувчининг яшаш манзили)
манзили бўйича яшовчи
(ариза берувчининг фуқаролиги ёки
фуқаролиги бўлмаганлиги, фамилияси, исми
ва отасининг исми кўрсатилади)
томонидан

ИЛТИМОСНОМА

Хурматли (Ўзбекистон Республикаси Президентининг исми ва
отасининг исми)!

Мени Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқи-
шимга рухсат беришингизни сўрайман.

(Сабаблари кўрсатилади)

20____ й. «_____» _____
(имзо)

Фамилияси, исми, отасининг исми

Мазкур шаклдаги илтимоснома билан бирга қўйидаги
хужжатлар тақдим этилади:

- сўровнома;
- паспорт (ID-карта);
- никоҳ тузилганлиги ёки никоҳ бекор қилинганлиги тўғри-
сидаги гувоҳнома (мавжуд бўлса);
- аризада бола кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик
тўғрисидаги гувоҳномаси ва (мавжуд бўлса) паспорти
(ID-картаси). Бундай ҳолларда боланинг отаси ёки она-
си Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб

- қолаётган бўлса, унинг нотариал тартибда тасдиқланган розилиги талаб этилади;
- ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги ёзма розилиги;
 - давлат божи (консуллик йиғими) тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Агар ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эри (хотини), ота-онаси, шунингдек, унинг қарамоғидаги шахслар Ўзбекистон Республикасида доимий яшаса, ариза берувчи ушбу шахсларнинг ариза берувчига нисбатан мулкий эътиrozлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги нотариал тартибда тасдиқланган аризаларини тақдим этиши шарт.

Агар тегишли ҳолатлар мавжуд бўлса, ота-онанинг, турмуш ўртоғининг розилиги ўрнига ариза берувчидан ёки тегишли орғандан:

- вафот этганлиги ҳақида гувоҳнома, агар кўрсатилган шахслар вафот этган бўлса;
- кўрсатилган шахсларни ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилинганлиги, муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб топилганлиги ёхуд фуқарони вафот этган деб эълон қилинганлиги ҳақидаги қонуний кучга кирган суд қарори;
- ёлғиз ота ёки она эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ваколатли орган томонидан сўраб олинади.

Илтимосномани қабул қилган масъул ходим уч иш куни ичida илова қилинган ҳужжатлар тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқади ва сўровномага ўзининг лавозими-ни кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Ушбу Низомнинг мазкур бандига мувофиқ тақдим этилган барча ҳужжатлар кетма-кетлиқда материалга тикилади ва уни расмийлаштираётган ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳужжатлар рўйхати тузилади.

Материал муқовасида ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси тартиб рақами ва бошқа маълумотлар (қабул қилинган сана, сақлаш мурддати) кўрсатилади.

Сўровномада кўрсатилган маълумотлар уч иш куни ичидаги «E-Fuqaro» ИМБга киритилади, материал эса Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари маъсул ходими ўн иш куни ичидаги маълумотларни «E-Fuqaro» ИМБга тўғри киритилганини текширади, шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манфаатдор вазирлик ва идораларга юборади. Материал Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «E-Fuqaro» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқишига тўскенилик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлигининг маъсул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хulosaga тайёрланади ҳамда ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланади.

Хulosada, ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича (текширув варақасидаги маълумотлар асосида) унинг ўзи ҳамда унинг яқин қариндошлари ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Текширув варақаси ва хulosaga келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласвий аҳволи, фарзандлари, яшаш жойи;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай

- ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/миқдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
 - шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Фуқароликдан чиқиш юзасидан расмийлаштирилган материал консуллик муассасаси томонидан қабул қилингач, масъул ходим уч иш куни ичida илова қилинган ҳужжатларнинг тўлиқлигини ва тўғри расмийлаштирилганлигини ўрганиб чиқади ва сўровномага ўзининг лавозимини кўрсатган ҳолда имзо қўяди.

Қабул қилинган илтимоснома рўйхатдан ўтказилади. Ариза берувчининг талабига биноан уч иш куни ичida унинг илтимосномаси қабул қилинганлиги ҳақида маълумотнома берилади.

Барча ҳужжатлар кетма-кетлиқда материалга тикилади ва уни расмийлаштираётган ходимнинг имзоси билан тасдиқланган ҳолда ҳужжатлар ички рўйхати тузилади.

Материал муқовасида ариза берувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва тартиб рақами ҳамда бошқа маълумотлар (қабул қилинган сана, сақлаш муддати) кўрсатилади.

Бир вақтнинг ўзида сўровномада кўрсатилган маълумотлар консуллик муассасасининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичida Консуллик ахборот тизимига киритилади ва Ташқи ишлар вазириллигига юборилади.

Материалнинг бир нусхаси дипломатик почта жадвалига мувофиқ Ташқи ишлар вазириллигига юборилади.

Ташқи ишлар вазириллигининг масъул ходими ўн иш куни ичida Консуллик ахборот тизими орқали келиб тушган маълумотлар асосида «E-Fuqaro» ИМБда шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манфаатдор вазирилик ва идораларга юборади.

Манфаатдор вазирилик ва идоралар томонидан «E-Fuqaro» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича фуқароликдан чиқишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хulosатайёрланади ҳамда ташқи ишлар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланади.

Хulosада ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича (текширув варақасидаги маълумотлар асосида) унинг ўзи ҳамда яқин қариндошлари ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Текширув варақаси ва хulosатайёрланади тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласвий аҳволи, фарзандлари, яшаш жойи;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/микдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- шахснинг қидирудва ёки қидирудва эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Фуқароликни йўқотиш асослари ва расмийлаштириш тартиби

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қўйидаги ҳолларда йўқотилади:

а) шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органларига хизматга кирганлиги оқибатида;

б) агар хорижда доимий яшовчи шахс **7 йил мобайнида** узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобида турмаган бўлса;

в) агар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишни била туриб ёлғон маълумотлар ёки соҳта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида амалга оширилган бўлса;

г) агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манбаатларига жиддий зарар етказган бўлса;

д) агар шахс **ихтиёрий** равишда чет давлат фуқаролигини олган бўлса;

е) агар шахс чет давлат фуқаролигини туғилганлик бўйича ёхуд чет давлат фуқароси бўлган отасининг ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган бўлса ва 21 ёшга тўлгунига қадар чет давлат фуқаролигидан чиқиши расмийлаштирмаган бўлса.

Чет давлат ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирган шахслар ҳақидаги маълумотларни аниқлаш учун консуллик муассасалари:

- Ўзбекистон Республикасидаги манбаатдор вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқароси чет давлатнинг давлат хизматига кирганлиги ҳақидаги маълумотларини ваколати доирасида текширади;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг келиб тушаётган мурожаатларини ҳамда чет давлатларнинг сўровномаларини ўрганади.

Ушбу фактлар тасдиқланган тақдирда, тўпланган материал консуллик муассасасининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичida Консуллик ахборот тизимига киритилади ва Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. Материал Ташқи ишлар вазирлигига дипломатик почта жадвалига мувофиқ юборилади.

Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими ўн иш куни ичida Консуллик ахборот тизими орқали келиб тушган маълумотлар асосида «Е-Фуқаро» ИМБда шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манбаатдор вазирлик ва идораларга юборади.

- *topnirahinr ba/ekn cyAjanrahinr caħacn (arapAa għajnejn)*
- *żgħejektor Peċċiġiinkac xAjjAñna kienhomni kabograpijinka*
- *ba għomkaybi opħażżeppra xusma tħalli kippharinh;*
- *xjekkix kien myxofxa kien jidher xebha kippharinh;*
- *het Abariathnh xapgħu xusma tħalli, xabfċiżi kippharinh;*
- *tyfinhar caħacn ba kōn, minnati, mapixiżi, onnabi;*

Axgħop-t-Maġrija Mottħoma:

Kiġi nsejha inkun yihha kommċċiġiha hoġġi jaġi.
 kien inkun, mymja u tħalli ax-ġoġi ta' xogħid tħalli għidha
 tekumpi b-beppaqacn ba xjirċa kien idher mat-pennera nroba
 kien inkun, mymja u tħalli ax-ġoġi ta' tħalli għidha.
 Yipħoġiċi parha għidha għidha tom'huxha tħalli tħalli.
 Ma tħalli ba tekumpi b-beppaqacn ta' l-imbieba minnha
 a xjirċa tħalli xamha ta' l-imbieba minnha għidha
 macbi xi-xaqqa minnha tħalli tħalli.
 Mara mybofink tekumpi b-beppaqacn ta' l-imbieba minnha
 opkāju myħoġġiha hon tħalli.
 «E-Fuqaro» NMBA ta' tekumpi b-beppaqacn tħalli
 kien inkun myħoġġiha għidha.
 Ma hafarrax op b-beppaqacn għidha f'idha
 tekumpi b-beppaqacn tħalli tħalli tħalli tħalli.
 Ma hafarrax op b-beppaqacn għidha f'idha
 mara mybofink tekumpi b-beppaqacn tħalli tħalli tħalli.
 Ma hafarrax op b-beppaqacn għidha f'idha
 tekumpi b-beppaqacn tħalli tħalli tħalli.
 Ma hafarrax op b-beppaqacn għidha f'idha
 tekumpi b-beppaqacn tħalli tħalli tħalli.
 Ma hafarrax op b-beppaqacn għidha f'idha
 tekumpi b-beppaqacn tħalli tħalli tħalli.



- ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/миқдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
 - шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилади.

Хорижда доимий яшаётган ва узрли сабабларсиз етти йил мобайнида доимий консуллик ҳисобига турмаган шахсларни аниқлаш учун консуллик муассасалари:

- консуллик муассасасига Ташқи ишлар вазирлиги орқали ке-либ тушган маълумотларни текширади;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳамда чет давлатларнинг сўровномаларини ўрганади;
- ўз консуллик округларидағи мамлакатларда озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган фуқароларнинг ҳисобини юритади;
- чет давлатга доимий яшашга чиқиб кетган давлатимиз фуқароларини Ички ишлар вазирлигининг ҳар чорақда бе-радиган сўровномаларига кўра доимий консуллик ҳисоби рўйхатлари бўйича текширади.

Ташқи ишлар вазирлиги ваколат доирасида мамлакатимиз фуқаросининг етти йил мобайнида доимий консуллик ҳисобига турмаганилиги сабабларини аниқлаш юзасидан чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси доимий консуллик ҳисобига узрли сабабсиз турмаганилиги аниқланганда, консуллик муассасаси фуқароликни йўқотиш жараёнини бошлайди.

Хорижда доимий яшаётган ва етти йил мобайнида узрли сабабларга кўра доимий консуллик ҳисобида турмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси консуллик муассасасига доимий консуллик ҳисобига қўйиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Консуллик муассасаси ариза берувчининг шахсини аниқлади, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотган шахсларнинг рўйхати билан солиштиради ва Ўзбекистон

Республикаси фуқаросининг доимий консуллик ҳисобига ўз вақтида турмаганлиги сабабларини ўрганади. Бунда, ариза берувчига «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонуни талаблари тушунтирилади ва у фуқаролик йўқотилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Узрли сабаблар мавжуд бўлганда консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси фуқаросини доимий консуллик ҳисобига қўйиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Касаллик туфайли узоқ муддат ҳаракатланиш имкони йўқлиги, яшаётган мамлакатда консуллик муассасаси мавжуд эмаслиги ва фуқарога боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар узрли сабаблардир.

Фуқаронинг доимий консуллик ҳисобига қўйилганлиги тўғрисидаги ахборот Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Консуллик ҳисобига олинмаган шахсларнинг хорижга доимий яшашга чиқиб кетиш учун рухсат берилганлиги ҳақидаги ҳужжатлари асосида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишга оид материал расмийлаштирилади.

Тўпланган ҳужжатлар асосида маълумотлар консуллик муассасасининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичида Консуллик ахборот тизимига киритилади ва Ташқи ишлар вазирлигига юборилади. Материаллар Ташқи ишлар вазирлигига дипломатик почта жадвалига мувофиқ юборилади.

Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими ўн иш куни ичида Консуллик ахборот тизими орқали келиб тушган маълумотлар асосида «E-Fuqaro» ИМБда шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манфаатдор вазирлик ва идораларга юборади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «E-Fuqaro» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича фуқароликни йўқотишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хулоса тайёрланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи

ишилар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланади.

Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласвий аҳволи, фарзандлари ва яшаш жойи;
- доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганди санаси;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/миқдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилади.

Била туриб ёлғон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилинганлиги факти аниқланган тақдирда Ички ишилар вазирлиги ёки Ташқи ишилар вазирлиги материалларни прокуратура органдарига юборади.

Била туриб ёлғон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилганлиги факти суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланади. Қарор чиқарган суд қарорнинг кўчирма нусхасини Ички ишилар вазирлигига ёки Ташқи ишилар вазирлигига юборади.

Суд қарори асосида Ички ишилар вазирлиги ёки Ташқи ишилар вазирлигининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичида текширув талабномаси шакллантирилиб, «E-Fuqago» ИМБ орқали манфаатдор вазирлик ва идораларга юборилади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «E-Fuqago» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича фуқароликни

йўқотишига тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлигининг маъсул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ёки ташқи ишлар вазири ёхуд уларнинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланадиган хулоса тайёрланади.

Текширув варақаси ва хулоса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласвий аҳволи, фарзандлари ва яшаш жойи;
- шахс била туриб ёлғон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида фуқаролик олинганилиги факти юзасидан суднинг қонуний кучга кирган қарорида баён этилган жиноятнинг қисқача мазмуни;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/микдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилади.

Чет давлатнинг фойдасини кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатган ёхуд тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят содир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги факти суднинг

қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланади. Ҳукм чиқарган суд ҳукмнинг кўчирма нусхасини Ички ишлар вазирлигига юборади.

Суднинг ҳукми асосида Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан уч иш куни ичида текширув талабномаси шакллантирилиб, «E-Fuqaro» ИМБга юборилади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «E-Fuqaro» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича фуқароликни йўқотишга тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой мuddатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ой муддатда ички ишлар вазири ёки унинг ўринбосарларидан бири томонидан тасдиқланадиган хulosса тайёрланади.

Текширув варақаси ва хulosса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласвий аҳволи, фарзандлари ва яшаш жойи;
- чет давлатнинг фойдасини кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатган ёхуд тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят соидир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарап етказганлиги факти юзасидан суднинг қонуний кучга кирган ҳукмида баён этилган жиноятнинг қисқача мазмuni;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайнинланган жазо тури ва муддати/миқдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

- шахснинг қидиувда ёки қидиувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилади.

Чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган хорижда яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларини аниқлаш учун ваколатли органлар:

- Ўзбекистон Республикадаги манфаатдор вазирлик ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлат фуқаролигини қабул қилганлиги ҳақидаги маълумотларини текширади;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ҳамда чет давлатларнинг сўровномаларини ўрганади.

Чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган Ўзбекистон Республикаси фуқароси аниқланганда, бундай шахсга «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун талаблари туширилади. У Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги йўқотилиши ҳақида огоҳлантирилади.

Чет давлат фуқаросининг паспорти асосида ваколатли орган томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишига оид материал расмийлаштирилади, тўпланган ҳужжатлар асосида уч иш куни ичida шахсга нисбатан Консуллик ахборот тизимига ёки «E-Fuqaro» ИМБга маълумотлар киритилади.

Ички ишлар органи томонидан қабул қилинган материал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига, консуллик муассасаси томонидан қабул қилинган материал эса дипломатик почта жадвалига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари масъул ходими томонидан ўн иш куни ичida маълумотларни «E-Fuqaro» ИМБга тўғри киритилганлиги текширилади, шахсга нисбатан текширув талабномаси шакллантирилади, материал эса Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими ўн иш куни ичida Консуллик ахборот тизими орқали келиб тушган маълумотлар асо-

сида «E-Fuqaro» ИМБда шахсга нисбатан текширув талабномасини шакллантириб, манфаатдор вазирлик ва идораларга юборади.

Манфаатдор вазирлик ва идоралар томонидан «E-Fuqaro» ИМБ орқали келиб тушган текширув талабномаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотишига тўсқинлик қилувчи материалларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги бир ой муддатда кўриб чиқилиб, «E-Fuqaro» ИМБга маълумот киритилиши орқали муносабат билдирилади.

«E-Fuqaro» ИМБда текширувдан ўтиб, якунланган талабномага мувофиқ текширув варақаси Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлигининг масъул ходими томонидан чоп этилади.

Материал ва текширув варақаси асосида бир ойлик муддатда хulosса тайёрланади, ички ишлар вазири ёки Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ёхуд уларнинг ўринbosарларидан бири томонидан тасдиқланади.

Текширув варақаси ва хulosса келиб тушган материалга илова қилиниб, умумлаштирилган ахборот-маълумотнома билан бирга кўриб чиқиш учун Комиссияга юборилади.

Ахборот-маълумотномада:

- туғилган санаси ва жойи, миллати, маълумоти, оиласвий аҳволи, фарзандлари ва яшаш жойи;
- қачон ва қайси чет давлат (давлатлар) фуқаролигини олганилиги;
- Ўзбекистон Республикаси худудида жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва/ёки судланганлиги санаси (агарда бундай ҳолатлар юз берган бўлса), Жиноят кодексининг моддалари, тайинланган жазо тури ва муддати/миқдори;
- шахснинг давлат олдида бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;
- шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилади.

Чет давлатнинг фуқаролигини туғилганлик бўйича ёхуд чет давлат фуқароси бўлган отаси ёки онасининг фуқаролиги асосида,

вояга етмаган ёшида олган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ваколатли орган томонидан бундай шахс йигирма бир ёшга тўлгунга қадар, унинг ўзи ёки қонуний вакилига «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун талаблари тушунирилиб, огоҳлантириш хати олиниб, «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси ёки Консулилк ахборот тизимига унинг чет давлат фуқаролиги мавжудлиги ва бошқа маълумотлар киритилгандан сўнг, ID-карта (Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти) расмийлаштирилади.

Йигирма бир ёшга тўлган чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирулган фуқароларни аниқлаш учун ваколатли орган манфаатдор вазирлик ва идораларнинг маълумотларини текширади, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганади.

Агар шахс йигирма бир ёшга тўлгунига қадар чет давлат фуқаролигини тугатиш тўғрисида ахборот тақдим этмаса, «Паспорт-виза» автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси ёки Консулилк ахборот тизими автоматик равишда унинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш бўйича хабар беради. Ушбу хабарга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсга нисбатан ҳудудий ички ишлар органи, хорижда яшовчи шахсга нисбатан эса консулилк муассасаси томонидан огоҳлантириш хатининг тасдиқланган нусхаси асосида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш бўйича материал расмийлаштирилади. Бунда, ушбу шахсга доир маълумотлар «E-Fuqaro» ИМБга киритилади. (Эслатма тарзда алоҳида шрифтда бериш мумкин)

Ички ишлар органи томонидан материал Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларига, консулилк муассасаси томонидан материал эса дипломатик почта жадвалига мувофиқ Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармалари масъул ходими томони-

- фыкапорап өxyA Абжат оржарап ба گолка таумкютирап
- махчинир Абжат оржанда бакапнурар мак6ыпнуряп өкн
- таңнурарах кәзәо түпн ба мүлдәтн/мүлкәтн;
- тоғаттарах кәзәо гепар 6ыңса), қногорт қолекинир мөлдәрарап,
- тоғтирихини ба/өкн қыЛайнарахини қасан (арапАа 6ыңан
- үзбекнитох Печүгінкакиң күйнегендериниң кабоғарапнанка
- жирн;
- қаюн ба қандың өт Абжат (Абжаттар) фыкапоңариниң орла-
- ахбони, фапашАянаң ба алемн қони;
- түғнірах қасан ба қони, мұнжатын, мәржимотын, онжарын

Ax60pot-мәржимотнома4а:

Күпнег өнгүн үйн комиңнәра өсөпнүа4н.

Күннинг, ымыржатынпурарах ax60pot-мәржимотнома ғираж ғираж

Текүніпбай бапакаң ба үзілса көндең түмән матепнадыра нюбра

нүрап ба3андын өxyA үзілшінр үпнгосаптарындаң ғндп томонн4аң

какн өнкн нүрап ба3андын өкн үзбекнитох Печүгінкакиң таумк

күйнегендериниң, төрнүнүндиң 6ыңна үзбекнитох Печүгін-

Матепнада ба текүніпбай бапакаң ассоңда ғндп оң мүлдәтАа

нүрап ба3андыннинр макбың қоғынн4аң ғон 3иня4н.

ла мәбоғонк текүніпбай бапакаң үзіл нүрап ба3андын өкн Талкын

«Е-Фударо» НМБ4А текүніпбай үтн6, әкүйнурал таңғома-

«Е-Фударо» НМБ4А текүніпбай үтн6, әкүйнурал таңғома-

«Е-Фударо» НМБ4А текүніпбай үтн6, әкүйнурал таңғома-

хнр мәркүйнүн 6ыңнурал түкнүнүк күйбен матепнадыра

лах текүніпбай таңғомаң 6ыңна үзбекнитох Печүгінкакиң

Махфат40п ба3андынк ба 4опаралык томонн4аң көндең тү-у-

мақнуратынп, махфат40п ба3андынк ба 4опаралык өсөпнүа4н.

«Е-Фударо» НМБ4А махсара һигетар қиптүнүн оқжан мүхсабат ғи-р-

кн4а «Е-Фударо» НМБ4А текүніпбай таңғомаң 6ыңнурал таңғома-

күйнүк макбүтінпурарах көндең түмән мәржимоттарап ако-

таумк макбүтінпурарах көндең түмән үн күнн үнн4а

өсөпнүа4н.

хомаң макбүтінпурарах, матепнада 3а үзіл нүрап ба3андынна-

күптүніпбай таңғомаң 6ыңнурал таңғомаң «Е-Фударо» НМБ4А түғпн

манфаатлари билан боғлиқ унинг мулкий мажбуриятлари мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

- шахснинг қидирувда ёки қидирувда эмаслиги тўғрисидаги шахсга доир маълумотлар акс эттирилади.

Фуқароликни йўқотишга оид материални расмийлаштириш ва юритиш, маълумотларни «E-Fuqaro» ИМБ ёки Консуллик ахборот тизимиға тўғри киритилиши юзасидан жавобгарлик ҳужжатларни дастлаб қабул қилган масъул шахс зиммасига юклатилади.

Фуқароликни йўқотишга оид материал юзасидан чиқарилган хulosада ариза берувчи томонидан тақдим этилган ва амалга оширилган текширув якуни бўйича (текширув варақасидаги маълумотлар асосида) унинг ўзи ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш асослари ҳақида маълумотлар кўрсатилади.

Хulosада қўйидаги маълумотлар алоҳида кўрсатилиши керак:

- шахснинг давлат олдидаги бажарилмаган (ижро этилмаган) мажбурияти ёки фуқаролар ёхуд давлат ва жамоат ташкилотларининг жиддий манфаатлари билан боғлиқ бўлган мулкий мажбурияти мавжудлиги;
- шахснинг айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилганлиги;
- шахснинг қидирувда эканлиги;
- шахсга нисбатан қонуний кучга кирган ва ижро қилиниши лозим бўлган суд ҳукмининг мавжудлиги;
- шахснинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида озодликдан маҳрум қилиш жойларида эканлиги;
- шахснинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиши Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлигининг манфаатларига номувофиқ эканлиги.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш учун «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, бир нечта асослар мавжуд бўлган тақдирда хulosада уларнинг барчаси қайд этилади.

IV. ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ ВА УЛАРГА ҲОМИЙЛИК КҮРСАТИШ КАФОЛАТИ

• • • • • • • • • • • • • • • • •

Бугунги кунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, хусусан, унинг бир шакли сифатида ҳимояланиш ҳуқуқини тұлақонли таъминлаш давлат олдида турған мұхим вазифалардан бири саналади. Мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манбаатларини ишончли ҳимоя қилиш, шунингдек давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлаш борасида қатор ислоҳотлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжағон декларациясынинг инсон ҳаёти, шахси ва эркинликларининг дахлсизлигі каби қоидаларини үзіда мужассамлаштырган. Үнда адолат ва одиллік, миллий ахлоқий қадриятлар, инсонпарварлық ғоялари акс этган. Бөш Қомусимизнинг муқаддимасыданоқ халқ манбаатлари устуворлиги акс этгандығына гуюқ бўламиз. Жумладан, инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни чуқур англаш, демократия ва ижтимоий адолатта садоқат, халқаро ҳуқуқнинг умумәтироф этилган қоидалари устунлигини тан олиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш каби инсонпарварлық ғояларини рўёбга чиқаришнинг бosh мақсадлар сифатида мустаҳкамланиши халқ манбаатларининг устуворлигини кўрсатади.

6yānumu yāh ophariap kyōpumū mapt. Kohgyūink myaccacajapn,
 xajkāpo ypf-oñatapAah tŷakohin oññajahin nökohintara era
 xÿkykāpAah, xajkāpo xÿkykñhr ym̄n tay oñihra hopmājapnAah,
 nüntipokn 6yārā xajkāpo mapthomājapAa yānra 6epnūra 6apAa
 jatihnr KohyhñinrñAa, yāgeknctoh Pecnygūinkacn ba het Abarat-
 kohgyūink myaccacajapn ophari yāgeknctoh fykāpōajapn het Abar-
 yāgeknctoh Pecnygūinkacn yāññimotan bakořatxohajapn ba
 moçcn ba xomññinr oñtñA 6yālān.
 XopndkAa fykāpōajapnns yāgeknctoh Pecnygūinkacnhnr xñ-
 6yāman4n.

»yāgeknctoh Pecnygūinkacnhnr fykāpōajri tÿfipncnAa« in
 103nm.

xÿkykāpnhn nñopA kñnru yāh mapontrap apatt6 6epnūrāp
 ra xñmōrahnin ba Mahfaatjapanh, makcn xÿkyk ba MoññAn
 xÿkyk ba makçypñrtapnhn tÿmÿthntpnura makçy6 6yāng, yap-
 lyñoh kññhybhñ, andgahybhñ, cyAjaahybhñra yñhnr upolécçay
 ra nñkoh 6epAan. Cygnutnpbybhñ, tēprorhn, upokypob ba çyA cca,
 pyp 6yāng kñrjhAa, gy epAamhn kohy acoconAa 6ebocnta oñnt-
 oññajahin, 6apAñ xomñapAa ñca xñmōrahnhr nüntipokn 3a-
 japanhn xñmōa 3tñura ba 6apA fykāpōajap xñmōrahn, eþAamnnAah
 ba yñajapnra kññurah andgibAah xñmōrahnin, kohyññ Mahfaat-
 pokñinc nñfattñAa gñp kñtop upolécçay xÿkykāpAa 3ra 6yānum
 kññhybhñ, andgahybhñ, cyAjaahybhñra kññhor upolécçanhnr nñtn-
 xñmōrahnin xÿkyk upññuhñra pñra 3tñrñmu lyñoh
 kyþcatñuhñ reaþoatñam kññA 3tñrñah.

yāgeknctoh kyññra xÿkykñ xñmōa kñnru ba yñapra xomññink
 fykāpōajapn yā xÿyAññA xam, yñhnr tamkāpññAa xam yā
 kyññra, kochtñyñmñnhn 22-MoññAcnAa yāgeknctoh
 attñpññAa.

tÿh maññyhnAa, my opkari 6apA kohy hopmājapn pyxññattñAa akc
 Kohyhñmñnhn mykAññmñacnAa myctaxkamñahñ xamAa yñhnr 6y-
 Abarat 6apto 3tñu kañ forajap oñnn makçAa confattñAa Acocon
 keñipñmñahin tamññraum, nichoñapab 4emokpatñk xÿkykñ
 moni aþoatña çäjokA, pecnygūinkacnka fykāpōajapnhn myhñcñ xæter
 çhr abbañ, nicho xÿkykāpna coññkñ, 4emokpatna ba nñktñ-

шунингдек, дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради.

Шунингдек, давлат ўз фуқаросини Конституцияда белгиланган ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳамда мамлакат ичида ва ташқарисида ҳимоялашни кафолатлайди.

Ўзбекистонда охириги йилларда фуқаролик бериш соҳасида муҳим ислоҳотлар юз бермоқда.

» УЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛИГИНИ ОЛГАН ШАХСЛАР СОНИ

1991 йилдан
2016 йил декабргача

2016 йил декабрдан
2020 йилгача

482
НАФАР

16
МИНГ
нафар

Бундан ташқари, 2020 йилда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги Қонунга биноан 1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистонда яшаб келган фуқаролиги бўлмаган 50 минг шахс Ўзбекистон фуқароси деб тан олинди.

V. ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОЛАРИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БҮЛМАГАН ШАХСЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ

• • • • • • • • • • • • • • • • •

«Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Конституциямиз, қонунлар ва халқаро шартномалар билан белгиланган мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг қонуни олдида тенгдирлар.

Ўзбекистон ҳудудида вақтинча турган, бошقا давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз танловига кўра ўзининг амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича жойлаштириш жойларида ёки бошқа уй-жой майдонида, шунингдек, даволаш муассасаларида вақтинча яшashi мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида вақтинча турган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон ҳудудидаги вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаши мумкин.

Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунчилиқда белгиланадиган тартибда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтади.

Ўзбекистон ҳудудида яшаш жойи бўйича доимий рўйхатга олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг идентификацияловчи картаси берилади.

Чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга идентификацияловчи карталарни расмийлаштириш ҳамда бериш тартиби Президент томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ҳамда нормалари асосида, «Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Сиёсий бошпана ўз фуқаролиги бўйича мансуб бўлган мамлакатда ёки доимий яшаш жойида ижтимоий-сиёсий фаолияти, диний эътиқоди, ирқий ёки миллий мансублиги учун таъқиб қилинишдан ёки таъқибнинг жабрланувчиси бўлишига реал таҳдиддан, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бузилишларининг бошқа ҳолларидан бошпана ва ҳимоя излаётган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзоларига берилади.

Ўзбекистон Республикасида сиёсий бошпана бериш тартиби ва шартлари Президент томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида – чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда мажбуриятлари

Ўзбекистон ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралashiшдан ҳимояланиш, турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бирорнинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ҳудудида турган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан фақат Ўзбекистон Республикасининг қонунлари асосида процессуал мажбуров ва маъмурий жазо чоралари қулланилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига белгиланган тартибда ушлаб турилган ёки қамоқقا олинган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ҳамда ушлаб турилишига ёхуд қамоқقا олинишига сабаб бўлган ҳолатлар тўғрисида хабар қилиниши керак.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон бўйлаб ҳаракатланиши ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ваколатли давлат органларининг рухсатномалари асосида ҳаракатланиш амалга ошириладиган чегара зоналарида ҳамда чегара чизиқларида чекланиши мумкин.

Чегараолди ҳудудлар аҳолисининг ўзаро сафарлари қоидаларини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси билан белгиланган ҳужжат асоси-

да Ўзбекистон Республикасига кириб келган чет эл фуқаролари ҳаракатланишининг ўзига хос хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ёки халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда мулк ҳуқуқидан фойдаланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда Ўзбекистон ҳудудида ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни мерос қилиб олиш ёки васият қилиш, шунингдек бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ ҳуқуқлардан фойдаланади ҳамда уларнинг зиммасида мажбуриятлар бўлади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг аҳоли бандлиги тўғрисидаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ муайян лавозимларга тайинланиш ёки муайян меҳнат фаолияти тури билан шуғулланиш Ўзбекистон фуқаролигига мансублик билан боғлиқ бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу лавозимларга тайинланиши, сайланиши ёки муайян меҳнат фаолияти тури билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон ҳудудида доимий яшайдиган, пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ижтимоий таъминоти тар-

тиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган, Ўзбекистон ҳудудида турган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ кафолатланади.

Ўзбекистонда доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар соғлиқни сақлашга бўлган ҳуқуқдан Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда фойдаланади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистонда таълим олишга ҳақлидир.

Ўзбекистонда доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар таълим олишда Ўзбекистон фуқаролари билан тенг ҳуқуқларга эга.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида никоҳ тузилганлигини қайд этишга доир ҳуқуққа эга.

Чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон фуқаролари билан никоҳи тузилганлигини қайд этиш ҳамда чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида, шунингдек чет эл фуқаролари ва (ёки) фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида никоҳ тузилганлигини қайд этиш умумий асосларда амалга оширилади.

Ўзбекистонда доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон ҳудудида оиласий муносабатларда Ўзбекистон фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ва уларнинг зиммасида мажбуриятлар бўлади.

Ўзбекистондан ташқарида, бошқа давлат ҳудудида ўша давлатнинг қонунчилигига риоя этилган ҳолда Ўзбекистон фуқаролари ҳамда чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасида тузилган никоҳлар, агар Ўзбекистон Республикасининг оила тўғрисидаги қонунчилигига назарда тутилган никоҳ тузишга монелик қиласидаган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, Ўзбекистонда ҳақиқий деб эътироф этилади.

якъкънра зра.

нас кояхъннлра мъбонкъ Абзат хнматиапнъах фоңдажанту-
хет зи фыкъапорапн ба фыкъапоринн ғънмарах тахъзап Абзат-
запап еткъамаца, тапмнхъжанън.

хамъа кояхънн махфатарапна, камнат ба Абзат махфатарапна
жнчомонн ба хоннъкъ тахъзапнъх зи нирда ормакъ, мънхнълекъ ғънмарах тахъзим
мабъзотиапнъх зи нирда ормакъ, тахъзимълекъ ғънмарах тахъзим
кояхъ ғънмарах къпкъжадарнъх тахъзимълекъ ғънмарах тахъзим
тахъзимълекъ ғънмарах тахъзимълекъ ғънмарах тахъзимълекъ ғънмарах
зоп ғънмарах тахъзимълекъ, къапорап ба булъка матендиап ғънмарах
зоп ғънмарах тахъзимълекъ, зоп ғънмарах тахъзимълекъ ғънмарах
фыкъапорапна ба фыкъапоринн ғънмарах тахъзимълекъ ғънмарах
зоп махъциапн мъпоккъарапнъх ғънпдъ ғнкънн ғоннъа хет зи
Абзат опрахърапн, тахъзимълекъ ба ғнапхнр махъца-
къннн ғъкъннра зра.

задекнтох Печигънкачиннр Абзат опрахърапн, тахъзимълекъ
ла хамъа ғнапхнр махъца зоп махъциапн тахъзимълекъ ба хоннъкъ
тапнъгъа спнзасап, тахъзимълекъ ба монкордап ғншнр мъпоккъар
махъциапннр мъпоккъарапн тъғнннцнн «Кънчомонн ба хоннъкъ
задекнтох Печигънкачиннр Абзат опрахърапн, тахъзимълекъ-
харкъадо маптюхъмннн Абзат опрахърап мъктакъо.
мъмкън, зънън 36екнтох Печигънкачиннр кояхърапн ба
тахъзимълекъ мъацнциапн, нунтюокъннлра зънънн (зъзапн) ғъннн
задекнтох фыкъапорапн ғншнр тенр парннъа хоннъа Абзат хотнокъар
хет зи фыкъапорапн ба фыкъапоринн ғънмарах тахъзимълекъ
японнн пнбокъарапннн ғъкъннра зра/эн.

задекнтох фыкъапорапн ба фыкъапоринн ғънмарах тахъзимълекъ
туннъа фоңдажанту, мънхнълекъ, муннънн махъчанту ба абра-
хет зи фыкъапорапн ба фыкъапоринн ғънмарах тахъзимълекъ зи оха-
зънън ғншнр зммакннн макъгъпнртап ғънъа.

задекнтох фыкъапорапн ғншнр тенр парннъа къпкъжадарнъх фоңнъа
акпартнн 36екнтох Печигънкачиннр кояхъннлра мъбонкъ
хнкъдъахъ, мънхнълекъ хет зи фыкъапорапн зътакнъларн хнкъдъахъ
фыкъапорапн зекъ фыкъапоринн ғънмарах тахъзимълекъ зътакнъларн
задекнтох фыкъапорапн зънъннна махъчанту хнкъдъахъ зътакнъларн
амале оунпнрннн.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Президент, давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларида сайловчилар сифатида иштирок этиши мумкин эмас, давлат ҳокимияти органларига сайланиши (тайинланиши) мумкин эмас. Ўзбекистон Республикасининг референдумида, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар:

- Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига риоя этиши;
- Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, шунингдек, чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини хурмат қилиши;
- Ўзбекистон ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий месорини асраб-авайлаши;
- атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши шарт.

Умумий ҳарбий мажбурият доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Солиқ кодексида белгилangan солиқларни ва унда назарда тутилган йиғимларни мамлакатимиз қонунчилигига ва ҳалқаро шартномаларига мувофиқ тўлайди.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қонунчилиқда назарда тутилган солиқ имтиёzlаридан фойдаланиши мумкин.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига кириши, чиқиши ва давлатимиз ҳудуди орқали транзит ўтиши тартиби

Чет эл фуқаролари, агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва ҳалқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари

бўйича, Ўзбекистон Республикаси томонидан виза режими ўрнатилган мамлакатлар учун эса амалдаги кириш визалари (шу жумладан, электрон визалар) мавжуд бўлган тақдирда кириши мумкин.

«Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳукуқий ҳолати тўғрисида» Қонуннинг 28-моддасида жумладан, шундай қайд этилган: бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахслар амалдаги кириш визалари мавжуд бўлган тақдирда амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича Ўзбекистон Республикасига кириши мумкин.

Ўзига идентификацияловчи карта берилган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудига кириш тартиби қонунчиликда белгиланган.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ёки унинг ҳудуди орқали транзит ўтиш учун визалар, бундан электрон визалар мустасно:

Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек, дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари томонидан, бундай консуллик муассасалари мавжуд бўлмаган тақдирда эса Ташқи ишлар вазирлигининг икки томонлама битимлари мавжуд бўлган бошқа давлатларнинг консуллик муассасалари;

Ташқи ишлар вазирлигининг халқаро аэропорт мақомига эга бўлган аэропортларидаги бўлинмалари томонидан расмийлаштирилади ва берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун визалар Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик муассасалари ва халқаро аэропорт мақомига эга бўлган аэропортларидаги бўлинмалари томонидан чет эл фуқароларининг барча тоифаларига берилади.

Алоҳида ҳолларда (фавқулодда вазиятларда, давлат ташрифларини ёки расмий ташрифларни, йирик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маърифий, гуманитар ва спорт тадбирларини ўтказиш, шунингдек, инвестиция лойихаларини амалга ошириш доирасида) Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари раҳбарлари бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларига ва

фуқаролиги бўлмаган шахсларга мамлакатимиз ҳудудига кириш учун визалар бериш тўғрисида мустақил равишда қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, қабул қилинган қарор тўғрисида Ташқи ишлар вазирлигини бир сутка ичида хабардор қиласди.

Фуқаролари электрон кириш визасини олиш имкониятига эга бўлган мамлакатлар рўйхатига киритилган чет эл фуқаролари консуллик муассасаларига ёки Ташқи ишлар вазирлигига мурожаат қилмаган ҳолда тегишли электрон тизим орқали электрон визани расмийлаштириши ва олиши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар визаларининг амал қилиш муддатини узайтириш қонунчиликка мувофиқ Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасига кириш тартиби, уларга визалар бериш ҳамда уларнинг амал қилиш муддатларига оид юқорида номи келтирилган Қонун билан тартибга солинмайдиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тенглик асосида тузилган ҳалқаро шартномаларида, шунингдек Президентнинг ёки Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорларида белгиланиши мумкин.

Шу билан бирга, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

- давлат хавфсизлигини ёки жамоат тартиби муҳофаза қилинишини таъминлаш манфаатларини кўзлаб;
- агар шахс ҳалқаро ва хорижий террорчиллик, экстремистик ҳамда бошқа жиноий ташкилотлар фаолиятига алоқадор бўлса;
- агар шахс ўзи ҳақида била туриб сохта маълумотлар берган бўлса, қалбаки ҳужжатларни тақдим этган бўлса ёки зарур ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;
- агар шахс илгари Ўзбекистон Республикасида бўлган вақтида жиноят содир этганликда айбдор деб топилган ва суднинг ҳукми билан жазога тортилган бўлса;

- агар шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ҳуқуқи муайян муддатга чекланган ва бу муддат ҳали тугамаган бўлса;
- агар шахс касал бўлса ёки унинг соғлиғида фуқаролар хавфсизлиги ва соғлиғи учун таҳдид туғдирадиган бузилишлар бўлса ҳамда тегишли касаллик Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган бўлса.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш учун виза беришни рад этиш, киришни рад этиш ёки кириш учун визани бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилган органлар бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, уларнинг қариндошлари ва вакилларини бундай қарорлар қабул қилинишининг асослари тўғрисида хабардор қилиши шарт эмас.

Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан, амалдаги чиқиш визалари мавжуд бўлган тақдирда, амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича чиқиб кетади.

Чет эл фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга амал қилиш муддати тугаган миллий паспорт билан, визасиз ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетишга қўйидаги ҳолларда рухсат берилади, агар:

- чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига маъмурий тарзда чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор асосида чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс чиқариб юборилётган ёки жиноий жавобгарликка тортилган бўлса (миллий паспортига чиқариб юбориш тўғрисида қўйилган қайд асосида);
- чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ва унга ҳамроҳлик қилувчи шахслар муайян муддатга визасиз, электрон, туристиқ, ҳайдовчилик ва транзит визаси билан келган бўлиб, шу муддат ичida улар баҳтсиз ҳодиса (жароҳат ёки бошқа оғир касаллик) оқибатида тиббиёт мув

ассасасига жойлаштирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кета олмаган бўлса (тиббиёт муассасасининг холосаси асосида);

- эпидемия (пандемия) муносабати билан карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча туриш мuddати тугаган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс карантин даври тугаганидан кейин ўттиз кун ичида Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этаётган бўлса;
- ҳайдовчи бўлган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудига автотранспорт воситасида кириб келган бўлса ҳамда йўл-транспорт ҳодисаси ёки автотранспорт воситаси бузилганлиги сабабли (ушбу вазиятни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида) белгиланган мuddатда чиқиб кетиш имконига эга бўлмаган бўлса;
- чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазият, шу жумладан, майший хусусиятга эга офат (турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ёнғини, қулаши, транспорт воситаси ёниб кетиши) натижасида ўзининг айбисиз жабрланган бўлса (мазкур ҳолатни тасдиқловчи ҳужжат асосида).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганилиги тўғрисида ички ишлар органларининг қайди мавжуд бўлган тақдирда, ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича чиқиб кетади.

Чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикасидан чиқиши мумкин эмас?

Кўйидаги ҳолларда чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан чиқишига рухсат берилмайди:

- унинг чиқиб кетиши давлат хавфсизлигини таъминлаш манфаатларига зид бўлса, чиқишига монелик қилувчи ҳолатларнинг амал қилиши тугагунига қадар;

- шахсга нисбатан унинг доимий яшаш учун чет элга чиқишига монелик қилувчи шартнома, контракт мажбуриятлари амалда бўлса, ушбу мажбуриятлар тугагунига қадар;
- шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, ушбу жиноий иш бўйича иш юритиш тугагач иш юзасидан процессуал қарор қабул қилингунига қадар;
- шахс жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган бўлса, жазони ўтаб бўлгунига ёки жазодан озод этилгунига қадар;
- шахс ўз зиммасига суд томонидан юклатилган мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаётган бўлса, мажбуриятларни бажариш тугагунига қадар;
- шахс чиқиш ҳужжатларини олиш чоғида ўзи ҳақида била туриб сохта маълумотларни берган бўлса, ҳолатлар аниқлаштирилгунига қадар;
- судда шахсга нисбатан фуқаролик даъвоси қўзғатилган бўлса, суд томонидан қарор қабул қилингунига ва у ижро этилгунига қадар.

Ўзбекистон Республикасидан чиқишини рад этиш тўғрисида қарорлар қабул қиласланган органлар чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, уларнинг қариндошларини бундай қарорлар қабул қилинишининг асослари тўғрисида хабардор қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг киришига ҳамда чиқишига транзит визалар мавжуд бўлган тақдирда амалдаги ҳаракатланиш ҳужжатлари бўйича рухсат берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит визасиз транзит ўтиш Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида ва халқаро шартномаларида назарда тутилган ҳолларда амалга оширилиши мумкин.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаво, темир йўл, автомобиль ва сув транспорти билан транзит ўтишига бориладиган мамлакатга кириш учун ҳақиқий ҳисобланган ҳужжатлар ҳамда бошқа

транспортга ўтиш пунктидан жўнаб кетиш санаси тасдиқланган тегишли ҳаракатланиш ҳужжатлари мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилади.

Транзит визага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтувчи, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар. Давлат чегараси орқали ўтиш пунктига транзит ўтиш қоидаларига риоя этган ҳолда, белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланиши ҳамда транзит визасида кўрсатилган муддат ичida тўхташи керак.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг транзит ўтиши тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриши ҳамда транзит ҳаракатланишини назорат қилиш ички ишлар органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятлар, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан умумий асослarda жавобгарликка тортилади, бундан халқаро шартномаларда белгиланган ҳоллар мустасно.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча ёки доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туриш қоидаларини бузганлик ҳамда қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Уларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий тарзда чиқариб юбориш қўлланилиши, кириши учун тақиқ қўйилиши, шунингдек, уларнинг туриш муддати қисқартирилиши ҳам мумкин.

Ўн саккиз ёшгача бўлган чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Ўзбекистон Республикасида вақтинча турган ёки доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар туриш қоидаларини бузганлик, яъни ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаш, доимий яшайдиган ёки вақтинча турган

жойи бўйича рўйхатга олишнинг, ҳаракатланишнинг ёки яаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганлик, туриш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бўйин товлаганлик, транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаганлик, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳукуқбузарликлар учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ҳамда доимий яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар содир этилган жинояти учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этиб бўлганидан ёки ўтаб бўлганидан ёхуд қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этилганидан кейин Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилиб, кейинчалик уларнинг кириш ҳукуки чекланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида вақтинча турган ёки доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг киришини чеклаш муддати ҳамда тартиби қонунчиликда белгиланади.

Чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг кириш ҳукукини чеклаш муддати улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқариб юборилган (Давлат чегарасини кесиб ўтган) пайтдан эътиборан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига мажбурий равишда чиқариб юборилган тақдирда, улар муддати ўтган ҳаракатланиш ҳужжатлари ёки визалар бўйича Давлат чегараси орқали ваколатли органлар ходимларининг ҳамроҳлигига ўтказиб юборилиши мумкин.

Хизмат, шахсий, савдо ёки жамоат ишлари бўйича, ўқиш, ма-лака ошириш, ишлаш учун ёки турист сифатида келган, бошқа давлатлар ҳудудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юбориш ҳаражатлари уларни тақлиф этаётган ҳамда қабул қилаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг зиммасида бўлади. Бошқа чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган

шахсларни чиқариб юбориш харажатлари ички ишлар органларининг зиммасида бўлади.

Бошқа давлатлар худудида доимий яшайдиган чет эл фуқаросига ва фуқаролиги бўлмаган шахсга берилган виза улар Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборилаётганда бекор қилинади.

Агар ўн саккиз ёшга тўлмаган чет эл фуқаросининг ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ота-онасидан бири ёхуд ҳомийси ёки васийси қонуний асосларда яшаш ҳуқуқига эга бўлса, ушбу шахсларни Ўзбекистон Республикасидан чиқариб юборишга қўйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузганда, яъни яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар бўйича яшаганда, вақтинча турган ёки доимий яшайдиган жойи бўйича рўйхатга олишнинг, ҳаракатланишнинг ёки яшаш жойини танлашнинг белгиланган тартибига риоя этмаганда, туриш муддати тугаганидан кейин чиқиб кетишдан бўйин товлаганда, худди шунингдек, транзит ўтиш қоидаларига риоя этмаганда;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилган жинояти учун суд томонидан тайинланган жазони ижро этиб бўлганда ёки ўтаб бўлганда ёхуд қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда жиноий жавобгарлиқдан ёки жазодан озод этилганда.

Чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Бошқа давлатлар худудида доимий яшайдиган, қонунчиликни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида туриш қоидаларини бузадиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриш муддати қонунчиликда белгиланган тартибда қисқартирилиши мумкин.

Бошқа давлатлар худудида доимий яшайдиган чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида туриш муддати юридик шахслар ёки таълим ташкилотлари билан шартномавий муносабатлар тутатилганда уларнинг илтимосномалари асосида ҳамда таклиф қилаётган жисмоний ёки юридик шахсларнинг аризасига кўра ҳам қисқартирилиши мумкин.

VI. ФУҚАРОНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАСИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?

.....

Мамлакатимизда фуқароларни рақамли идентификациялашнинг ягона тизимини жорий этиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида инновацион технологияларни кенг қўллаш жорий этиш, таъминлаш, турли давлат ҳисобига олиш тизимлари ўртасида ахборот ҳамкорлиги учун жисмоний шахслар тўғрисидаги бирламчи маълумотлардан самарали фойдаланиш, шунингдек, идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизими жорий этилди.

Унга кўра,

- 2021 йил 1 январдан бошлаб янги туғилган болага, Ўзбекистон Республикаси фуқаросига, Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшайдиган фуқаролиги бўлмаган шахсга ва хорижий фуқарога белгиланган намунадаги идентификация ID-картаси берилади;
- ID-карта унинг эгасининг шахсини, фуқаролигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланилади;
- ID-карта у берилган вақтдан бошлаб 10 йил муддатга берилади;
- ID-карта расмийлаштирилганлиги ва берилганлиги учун давлат божи миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 89 фоизини ташкил этади;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахс ва хорижий фуқаронинг яшаш гувоҳномаси уларнинг амал қилиш муддати тамом бўлгунга қадар ҳақиқийдир. Ушбу ҳужжатларнинг эгалари уларни белгиланган тартибда ID-картага алмаштириш ҳуқуқига эга;

– биометрик паспортни ID-картага алмаштириш:

► 2021 йил 1 январдан
2022 йил 31 декабргача



ихтиёрийлик
асосида;

► 2023 йил 1 январдан
2030 йил 31 декабргача



мажбурий тартибда
амалга оширилади;

– Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунаядаги биометрик паспорти 2030 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

► *ID-карта Ўзбекистон Республикаси мулкидир ва унинг эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир.
ID-карта маълумотларни ийғиши пункти томонидан фуқароларга қўйидаги муддатларга берилади:*

янги туғилган
болага бир ёшгacha (ота-оналар,
васийларнинг
(ҳомийларнинг)
ихтиёрига кўра);

1 ёшдан
16 ёшгacha

16 ёшдан
кейин эса

2 йил
муддатга

5 йил
муддатга

10 йил
муддатга

ID-карта қатъий ҳисобга олинадиган ҳужжат ҳисобланади, белгиланган намуна бўйича лотин алифбосида ўзбек тилида, Қорақалпоғистон Республикаси учун эса – ID-карта олиш учун мурожаат қилган фуқаронинг хоҳишига кўра лотин алифбосида қорақалпоқ ёки ўзбек тилларида персоналлаштирилади.



ID-карта бланкасига қуйидаги асосий маълумотлар киритилади:

- хужжатнинг номи;
- ID-картанинг рақами;
- ID-карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, туғилган жойи, жинси, жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами;
- ID- картанинг:
 - берилган санаси;
 - ким томонидан берилгани;
 - амал қилиш муддати тугайдиган сана;
- ID-карта эгасининг рақамли сурати.

ID-картада унинг эгасининг имзоси бўлиши шарт (16 ёшга етганидан кейин).

Вазирлик ва идораларнинг автоматлаштирилган тизимлари орқали ID-карта эгасининг розилиги билан давлат хизматларини кўрсатишда ID-картага киритилган маълумотлардан фойдаланишга рухсат этилади.

Шунингдек, чипга ID-карта эгасининг:

биографик маълумотлари, миллати, рақамли сурати, қўл бармоқларининг излари – 16 ёшга етганидан кейин, электрон рақамли имзо калитининг сертификати – 16 ёшга етганидан кейин маълумотлари киритилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ чипга бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин.

Электрон рақамли имзо калитининг сертификати ID- картанинг амал қилиш муддати давомида ҳақиқий ҳисобланади.

ID-картани расмийлаштириш, бериш ва алмаштириш тартиби

ID-картани расмийлаштириш ва бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- ота-оналар, васийларнинг (ҳомийларнинг) ихтиёрига кўра – бола туғилгандан бошлаб 16 ёшга тўлгунига қадар;
- фуқаро 16 ёшга тўлганда;
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинганда ёки Ўзбекистон Республикаси фуқароси сифатида тан олинганда;
- ID-картанинг амал қилиш муддати тугаганда;
- фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, туғилган санаси, жинси ўзгарганда;
- ID-картага ёки чипга киритилган маълумотларда ноаниқликлар, хатолар ва техник нуқсонлар мавжудлиги аниқланганда;
- ID-карта ёки чип яроқсиз ҳолга келганда;
- ID-карта ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида;
- ID-карта йўқотиб қўйилганда.

ID-карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганлиги ёки ID-картага киритилган маълумотларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан алмаштирилаётганда, фуқаро томонидан маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида кўриб чиқлади.

Фуқаро ID-картани йўқотган тақдирда, янги ID-карта белгиланган тартибда ID-карта йўқолганлиги ҳақида ариза келиб, тушган кундан бошлаб беш иш кунида берилади, шу билан бирга мазкур чип бўлмаган фуқаро 16 ёшга тўлганда бир ойдан кечикмасдан маълумотларни йиғиш пунктига ID-картани олиш учун мурожаат этиши шарт.

Фуқаро ID-карта олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига қуйидагиларни тақдим этади:

- белгиланган шаклдаги ариза-анкета;

- илгари берилган паспорт ёки ID-карта;
- туғилғанлық ҳақидағы гувоҳнома (ID-карта бириңчи маротаба расмийлаштирилаётганда);
- ваколатли органнынг қарори (ID-карта ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида);
- давлат божи тўланғанлиги ҳақида квитанция (электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда квитанция мажбурий эмас).

ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг бир иш куни мобайнида берилади. Ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар, соғлигининг ҳолатига кўра, мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар ID-карта олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига шахсан ўзлари ёки қонуний вакиллари орқали (оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда) мурожаат этганда, ID-карта маълумотларни йиғиш пунктининг масъул ходими томонидан ўн беш кун муддатда ушбу шахсларни яшаш манзилига борган ҳолда расмийлаштирилади ва берилади. Бунда кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаб, Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти ёки ID-картаси бўлмаган ҳарбий хизматчиларга ID-карта контракт асосида хизмат қилган ҳарбий хизматчининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома ёки Қуролли Кучлар офицерининг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома асосида маълумотларни йиғиш пункти томонидан берилади. Қуролли Кучларнинг ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларига ID-карталар ҳарбий қисм жойлашган жойдаги маълумотларни йиғиш пункти томонидан тегишли ҳарбий қисм раҳбарларининг ёзма илтимосномалари асосида берилади.

Маълумотларни йиғиш пункти тақдим этилган ҳужжатлар асосида аризачининг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги қўл бармоқ изларини йиғади, шахсни олд томондан рақамли форматда суратга олади ва ID-картани расмийлаштириш учун талабнома шакллантиради. Аризачига аввал жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бириктирилмаган ёки жисмоний шахснинг аввалги шахсий идентификация рақами хотолик билан бириктирилган бўлса, талабнома ID-картага жисмо-

ний шахснинг шахсий идентификация рақамини биритириш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази талабномадаги жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мавжудлиги ва тўғрилигини текширади, мавжуд бўлмаган ҳолларда эса реал вақт режимида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини шакллантиради ва шакллантирилган талабномани маълумотларни йиғиш пунктига юборади.

Агар фуқаро қўл бармоқ излари олинишидан бош тортса ёхуд кўзойнакда ёки бош кийимда суратга тушиб истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти фуқарога ID-карта расмийлаштиришни рад этади, шунингдек, ID-картани расмийлаштириш учун «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

ID-карта расмийлаштириш ва бериш жараёнида унда техник нуқсонлар аниқланса, башарти, улар маълумотларни йиғиш пункти томонидан йўл қўйилган бўлса, ID-карта бепул алмаштирилади.

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг ID-карталари бериш бўйича мурожаат қилган ота-оналари ёки васийларига (ҳомийларига) берилади. Ҳамда 16 ёшга тўлган фуқароларга идентификация ID-карталари берилганда улар бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳамда жамғарib бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилади.

ID-картадан фойдаланиш

ID-карта эгасининг шахсини ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади, шунингдек, уни йўқолган тақдирда, фуқаро дарҳол янги ID-kartani олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт. Топиб олинган ID-карта ички ишлар органига топширилиши лозим.

Шу билан бирга, вафот этган шахснинг ID-картаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига топширилади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ID-kartani йўқ қилиш мақсадида маълумотларни йиғиш пунктига юборилади.

Ҳибсга олинган ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг ID-картаси суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Агар шахс суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этилса, унинг ID-картаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига юборилади. Шахс жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганида ёки жазо муддатини ўтаб бўлгач, унга ID-картаси суриштирув, тергов органлари, суд ёхуд жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан қайтарилади. ID-карта суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тақдирда, янги ID-карта ваколатли органнинг олиб қўйиш ҳақидаги тегишли қарори тақдим этилгач, маълумотларни йиғиш пункти томонидан расмийлаштирилади.

Фуқарога янги ID-карта бериш чоғида илгари берилган фуқаронинг биометрик паспорти ёки ID-карта йўқ қилиш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан олиб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқарилган, фуқароликни йўқотган, шунингдек, хорижий давлатда доимий яшашга қолиш истагини билдирган фуқаро ID-картани сўнгги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига ёки турган жойи бўйича хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт. Дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун Ички ишлар вазирлигига юборилади.

Фуқаро ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаганда, яроқсиз ҳолга келтирганда, йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, янги ID-карта кўпайтирилган миқдордаги давлат божи тўлови асосида расмийлаштириб берилади.

Бошқа шахсга тегишли бўлган ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйганлик, ID-картадан ғаразли мақсадларда фойдаланганлик, уни йўқ қилганлик, яроқсиз ҳолатга келтирганлик ёки яширганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида жавобгарлик белгиланган.

Талабномага киритилган маълумотларнинг ҳақонийлигига вояга етмаган шахслар номидан мурожаат қилган шахслар ёки вояга етган ва ID-картани биринчи маротаба олаётган фуқаролар шахсан жавобгар ҳисобланади.

VII. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДОИМИЙ ЯШОВЧИ ЧЕТ ДАВЛАТ ФУҚАРОСИ ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСНИНГ ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАСИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

• • • • • • • • • • • • • • • • • • •

ID-картани расмийлаштириш ва бериш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароларига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга:
 - уларнинг ота-оналари, васийларининг (ҳомийларининг) ихтиёрига кўра – бола туғилгандан бошлиб 16 ёшга тўлгунига қадар;
 - шахс 16 ёшга тўлганда;
 - шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, фуқаролиги, туғилган санаси, жинси ўзгарганда;
- б) ID-картанинг амал қилиш муддати тугаганда;
- в) ID-картага ёки чипга киритилган маълумотларда ноаниқликлар, хатолар ва техник нуқсонлар мавжудлиги аниқланганда;
- г) ID-карта ёки чип яроқсиз ҳолга келганда;
- д) ID-картани ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида;
- е) ID-карта йўқотиб қўйилганда.

ID-карта эгасининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, жинси ўзгарганлиги ёки ID-картага киритилган маълумотларда ноаниқликлар мавжудлиги аниқланганлиги муносабати билан алмаштирилаётганда, доимий рўйхатга

олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан маълумотларни йиғиш пунктига ушбу ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади ва ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ID-картани йўқотган тақдирда, янги ID-карта белгиланган тартибда ID-карта йўқолганлиги ҳақида ариза келиб тушган кундан бошлаб беш иш кунида берилади.

ID-картаси бўлмаган доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс 16 ёшга тўлганда ID-карта олиш учун бир ойдан кечикмасдан маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт.

Шунингдек, хорижий давлатларга вақтинча чиққан, доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс хорижда бўлган вақтда ID-картанинг амал қилиш муддати тугаса ёхуд фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, фуқаролиги, жинси ўзгарган бўлса, шунингдек, чет давлат фуқаролигидан чиққан ёки қабул қилган ҳамда тегишли ёшга етган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиб келганидан сўнг уч иш кунидан кечиктирмай тегишли ҳужжатлар билан доимий рўйхатга олинган манзилдаги маълумотларни йиғиш пунктига ID-картани алмаштириш масаласида мурожаат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-карта олиш учун маълумотларни йиғиш пунктига қўйидагиларни тақдим этади:

- белгиланган шаклдаги ариза-анкета;
- чет давлат фуқаросининг миллий паспорти (Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси учун ID-карта биринчи маротаба расмийлаштирилаётганда);
- илгари берилган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта;
- туғилганлик тўғрисида гувоҳнома (ID-карта биринчи маротаба расмийлаштирилаётганда);
- ваколатли органлар томонидан берилган аризачининг фуқаролиги тугаганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат (чет

- давлат фуқаролигидан чиққан ёки фуқаролигини йўқотган ҳолатда);
- давлат божи тўланганлиги ҳақида квитанция (электрон тўлов тизимлари орқали тўланганда квитанция мажбурий эмас).
 - ногиронлиги бўлган шахслар ID-картани расмийлаштириш ва олиш учун ID-карта маълумотларни йиғиш пункти томонидан ҳужжатлар тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг бир иш куни мобайнида берилади.

Шунингдек, ўзгалар ёрдамига муҳтоҷ қариялар, соғлигининг ҳолатига кўра мустақил ҳаракатланиш имконияти чекланган маълумотларни йиғиш пунктига шахсан ўзлари ёки қонуний вакиллари орқали (оғзаки, ёзма ёхуд электрон шаклда) мурожаат этганда, ID-карта маълумотларни йиғиш пунктининг масъул ходими томонидан ўн беш кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда расмийлаштирилади ва берилади. Бунда кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

Маълумотларни йиғиш пункти тақдим этилган ҳужжатлар асосида аризачининг биографик маълумотларини, электрон кўринишдаги қўл бармоқ изларини йиғади, шахсни олд томондан рақами форматда суратга олади ва ID-картани расмийлаштириш учун талабнома шакллантиради.

Аризачига аввал жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами бириктирилмаган ёки жисмоний шахснинг аввалги шахсий идентификация рақами католик билан бириктирилган бўлса, талабнома ID-картага жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини бириктириш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази талабномадаги жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами мавжудлиги ва тўғрилигини текширади, мавжуд бўлмаган ҳолларда эса реал вақт режимида жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини шакллантиради ва шакллантирилган талабномани маълумотларни йиғиш пунктига юборади. Агарда доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва

фуқаролиги бўлмаган шахс қўл бармоқ излари олинишидан бош тортса ёхуд кўзойнақда ёки бош кийимда суратга тушиш истагидан қайтмаса, маълумотларни йиғиш пункти фуқарога ID-карта расмийлаштиришни рад этади.

ID-картани расмийлаштириш учун «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

ID-карта расмийлаштириш ва бериш жараёнида унда техник нуқсонлар аниқланса, башарти, улар маълумотларни йиғиш пункти томонидан йўл қўйилган бўлса, ID-карта бепул алмаштирилади.

16 ёшга тўлмаган шахсларнинг ID-карталари уларга ID-карта бериш бўйича мурожаат қилган ота-оналари ёки васийларига (ҳомийларига) берилади ҳамда мазкур шахсларга идентификация ID-карталари берилганда ушбу шахс бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида солиқ тўловчи сифатида ҳамда жамғаривор бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилади.

Бунда, шахснинг биографик маълумотлари ўзгариши муносабати билан ID-карта алмаштирилганда ёки бекор қилинганда бу ҳақидаги маълумотлар реал вақт режимида Давлат солиқ қўмитаси ва АТ «Халқ банки»га тақдим этиб борилади.

Қуйидаги ҳолатларда доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг ID-картаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бекор қилинади:

- қонунда белгиланган тартибда хорижга доимий яшашга кетганида;
- чет давлат фуқароси Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча чиққанда, агар у уч йилдан ортиқ вақт мобайнида узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинча хорижга чиққан фуқаролиги бўлмаган шахс ҳаракатланиш ҳужжатининг амал қилиш мuddати тамом бўлгунга қадар узрли сабабларсиз Ўзбекистондаги доимий яшаш манзилига қайтмаса ёки хорижда уни алмаштирумаса ёхуд узрли сабабларсиз уни алмаштиришни рад этса;

- бекор қилиш тұғрисида шахсан мурожаат қилса ёхуд нотариал тасдиқланған ишончнома бүйича бошқа шахс мурожаат қилса ёки чет давлатдаги тегишли органларнинг сұровига асосан;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқарып юборилғанда;
- суднинг шахсни бедарак йўқолган деб топиш ҳақидаги қарори асосида;
- вафот этганды — фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органининг ўлим ҳақида гувоҳнома ёки маълумотномаси асосида;
- чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилганды;
- чет давлат фуқароси миллий паспортининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг олти ой давомида уни алмаштирумаса ёки ўз давлати фуқаролигидан чиққанлиги тұғрисида маълумотнома тақдим этмаса;
- давлат бошқаруви органлари, хўжалик бирлашмалари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари илтимосномасига биноан доимий яшашга рухсатнома олган чет давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — ушбу орган ва ташкилотларнинг билдиришномаси асосида;
- шахс ID-картани олаётганда ёки уни алмаштиришда ўзи ёки қариндошлари ҳақида ёлғон маълумот берганда, қалбаки, сохта ҳужжатларни тақдим этганды.

Ўзбекистон Республикасида доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг бекор қилинган ID-картаси шахснинг сўнгги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиши пункти ёки турган жойи бүйича хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига йўқ қилиш учун топширилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун Ички ишлар вазирлигига юборилади, шунингдек, ID-картаси бекор қилинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга 30 кун муддат ичida Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан

чиқиб кетиши түғрисида ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан огоҳлантирилади.

Чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс белгиланган муддатда республика ҳудудидан чиқиб кетишдан бош тортган тақдирда, қонунчиликка мувофиқ чора кўрилади.

ID-картадан фойдаланиш

ID-карта эгасининг шахсини ва доимий рўйхатга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилади.

ID-карта йўқолган тақдирда, доимий рўйхатга олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс дарҳол янги ID-картани расмийлаштириш учун маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши шарт, шунингдек топиб олинган ID-карта эгасига қайтариш учун ички ишлар органига топширилиши лозим.

Вафот этган шахснинг ID-картаси фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органига топширилади ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи ID-картани йўқ қилиш мақсадида маълумотларни йиғиш пунктига юборилади.

Хибсга олинган ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг ID-картаси суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан олиб қўйилади. Агар шахс суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум қилинса, унинг ID-картаси Ички ишлар вазирлигининг Жазони ижро этиш бош бошқармасига юборилади. Шахс жазони ижро этиш муассасасидан озод этилганида ёки жазо муддатини ўтаб бўлгач, унга ID-картаси суриштирув, тергов органлари, суд ёхуд жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан қайтарилади. ID-карта суриштирув, тергов органлари ёки суд томонидан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган тақдирда, янги ID-карта ваколатли органнинг олиб қўйиш ҳақидаги тегишли қарори тақдим этилгач, маълумотларни йиғиш пункти томонидан расмийлаштирилади.

Шу билан бирга, доимий рўйхатта олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсга янги ID-карта бериш чоғида илгари берилган яшаш гувоҳномаси ёки ID-карта йўқ қилиш учун маълумотларни йиғиш пункти томонидан олиб қолинади.

Фуқаролиги ўзгарган ёки хорижий давлатда доимий яшашга қолиш истагини билдирган доимий рўйхатта олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-картани сўнгги яшаш жойидаги маълумотларни йиғиш пункти ёки турган жойи бўйича хориждаги дипломатик ваколатхона ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт.

Дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларига топширилган ID-карталар йўқ қилиш учун Ички ишлар вазирилигига юборилади, шунингдек, доимий рўйхатта олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахс ID-картани олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаганда, яроқсиз ҳолга келтирганда, йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмасдан, янги ID-карта кўпайтирилган миқдордаги давлат божи тўлови асосида расмийлаштириб берилади.

Бошқа шахсга тегишли бўлган ID-картани қонунга хилоф равища олиб қўйиш, ID-картадан ғаразли мақсадларда фойдаланиш, уни йўқ қилиш, яроқсиз ҳолатга келтириш ёки яшириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгарлик белгиланади.

Талабномага киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигига вояга етмаган шахслар номидан мурожаат қилган шахслар ёки вояга етган ва ID-картани биринчи маротаба олаётган доимий рўйхатта олинган чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар шахсан жавобгар ҳисобланади.

VIII. ХОРИЖГА ЧИҚИШ БИОМЕТРИК ПАСПОРТИ ҚАНДАЙ РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ?



Хорижда доимий яшाइтган ва доимий консуллик рўйхатида турадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш биометрик паспорти, унинг эгаси Ўзбекистон Республикаси худудида бўлган даврда шахсни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланиб, давлат хизматларидан фойдаланиш учун ҳақиқийдир.

Қонунчиликка кўра, хорижга чиқиш биометрик паспорти мамлакатимизнинг мулкидир ва унинг эгаси Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўлади.

Биометрик паспортининг амал қилиш муддати қанча?

- туғилган кунидан бошлаб бир ёшгача – 2 йил муддатга;
- бир ёшдан 16 ёшгача – 5 йил муддатга;
- 16 ёшдан ошган шахсларга – 10 йил муддатга.

Амал қилиш муддати тугаганидан кейин хорижга чиқиш биометрик паспорти маълумотларни йиғиш пунктига топширилади ҳамда биометрик паспорти бланки қатъий ҳисобга олинадиган ҳужжат ҳисобланади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти бланкларини тайёрлаш «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилади. Персоналлаштириш, ҳисобга олиш ишлари ҳамда тайёрлаш вақтида бузилган ва маълумотларни йиғиш пунктларидан алмаштириш учун қайтарилган паспортларни йўқ қилиш – ДПМда, хорижга чиқиш биометрик паспортларини эгаларига бериш ва ҳақиқий бўлмаган хорижга чиқиш биометрик паспортларини йўқ қилиш – маълумотларни йиғиш пунктларида амалга оширилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспортларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида етказиб бериш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Давлат фельдъегерлик хизмати (кейинги ўринларда – ДФХ) томонидан амалга оширилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспортларини хориждаги маълумотларни йиғиш пунктларига ва консулийк муассасаларидан Ўзбекистон Республикасига етказиб бериш белгиланган тартибда дипломатик почта воситаси орқали амалга оширилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти белгиланган намуна бўйича тайёрланади ва инглиз тилида персоналлаштирилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспорти бланкига қандай маълумотлар киритилади?

- паспортни берган давлатнинг номи;
- ҳужжатнинг номи;
- ҳужжатнинг тури;
- паспортни берган давлатнинг коди;
- паспорт серияси ва рақами;
- фамилия, исм, ота исми;
- фуқаролиги;
- туғилган санаси;
- туғилган жойи;
- жинси;

- берилган сана;
 - берган орган;
 - амал қилиш муддати тугайдиган сана;
 - эгасининг рақамли сурати;
 - эгаси ҳақидаги машина ўқийдиган маълумотлар.
- Шунингдек, чипга қўйидаги маълумотлар киритилади:
- паспорт эгасининг биографик маълумотлари;
 - эгасининг рақамли сурати;
 - қўл бармоқларининг излари – 16 ёшга етганидан кейин.

Шу билан бирга, хорижга чиқиш биометрик паспортига қўйидаги қайдлар киритилади:

- паспорт эгасининг хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганини тўғрисида мазкур жадвалга мувофиқ штамп қўйилади;

<p>_____ (shahar) viloyati (IIB) IIB MvaFRB</p> <p>XORIJGA DOIMIY YASHASHGA CHIQISH UCHUN RUXSAT BERILGAN</p> <p>ALLOWED TO GO ABROAD FOR TAKING UP PERMANENT RESIDENCE</p> <p>20 _____ yil « _____ » imzo _____</p>	
	

- давлат чегарасидан ўтганлиги тўғрисида;
- консуллик рўйхатига олингани ёки консуллик рўйхатидан чиқарилгани тўғрисида;
- никоҳ қайд этилганлиги ёки бекор қилинганлиги тўғрисида;
- хорижий давлатларга кириш учун рухсатнома (виза) тўғрисида;
- ҳамроҳлик қилувчи шахслар тўғрисида (вояга етмаган фуқаролар учун) мазкур жадвалга мувофиқ штамп қўйилади;

**HAMROHLIK QILUVCHI SHAXS:
ACCOMPANYING PERSON:**

(ismi va familiyasi, name and surname)

(tug'ilgan sanasi, date of births)

30 mm

75 mm

- илгари қўйилган қайдлар бекор қилинганлиги тўғрисида.

Паспортда унинг эгасининг имзоси бўлиши шарт, шу билан бергага, қонининг гуруҳи ва резус-мансублик тўғрисидаги қайдлар унинг розилиги билан амалга оширилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспортига:

- ички ишлар органлари бўлинмалари томонидан – хорижда доимий яшаш учун чиқишига рухсат берилганлиги ҳақидаги, ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги (вояга етмаган фуқаролар учун);
- чегара назорати бўлинмалари томонидан – Давлат чегарасидан ўтганлик ҳолати ҳақидаги;
- фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари томонидан – никоҳ қайд этилганлиги ва никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги (доимий консуллик рўйхатида туриб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган фуқаролар учун);
- соғлиқни сақлаш ташкилотлари томонидан – қон гуруҳи ва резус-мансублик ҳақидаги;
- Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари томонидан – вақтинчалик ва доимий консуллик рўйхатига олиш ёки консуллик рўйхатидан чиқариш ҳақидаги, никоҳ қайд этилганлиги ва никоҳ бекор қилинганлиги ҳақидаги, ҳамроҳлик қилувчи шахслар ҳақидаги (вояга етмаган фуқаролар учун);
- чет давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан – хорижий давлатларга кириш рухсатномалари (кириш визаси) ҳақидаги қайдлар киритилади.

Муассасалар зарур ҳолларда ўзлари илгари қўйган қайдларни бекор қилганиклари тўғрисида қайдлар киритишлари мумкин.

Қуролли Кучлар сафига муддатли ҳарбий хизматга чақирилган фуқаролардан хорижга чиқиш биометрик паспортлари мудофаа ишлари бўлимлари томонидан олиб қўйилади ва хизмат тугагунга қадар сақланади. Муддатли ҳарбий хизмат тугаганидан кейин мудофаа ишлари бўлимлари олиб қўйилган хорижга чиқиш биометрик паспортларни фуқароларга улар ҳарбий ҳисобга қўйилганидан кейин ўн кун муддатда қайтариб беришлари шарт.

Шартнома асосида ҳарбий хизматга, ўқиш учун олий ҳарбий таълим муассасаларига кирган фуқаролардан хорижга чиқиш биометрик паспортлари ҳарбий қисмларнинг ҳамда олий ҳарбий таълим муассасаларининг кадрлар билан ишлаш органлари томонидан олиб қўйилади ва штабларда сақланади.

Ҳарбий хизматчиликларнинг ҳарбий хизмат назарда тутилган тегишли вазирликларда ва идораларда сақланаётган хорижга чиқиш биометрик паспортлари амал қилиш муддати тугаганидан кейин белгиланган тартибда йўқ қилиш учун маълумотларни ийғиши пунктларига жўнатилади.

Хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тартиби

Фуқароларга хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиша;
- илгари хорижга чиқиш биометрик паспорти билан ҳужжатлаштирилмаган, консуллик рўйхатига олинган фуқаролар хорижда бўлганида;
- фарзанд хорижда туғилганида;
- хорижга чиқиш биометрик паспортининг амал қилиш муддати тугаганида;
- фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, жинси ўзгарганида;

- ёзувларда ноаниқликлар ва хатолар мавжудлиги аниқланганида;
- маълумотлар ёки визалар учун мўлжалланган бетлар ишлатилиб бўлинганида;
- хорижга чиқиш биометрик паспорти бланкаси яроқсиз ҳолга келганида;
- хорижга чиқиш биометрик паспорти йўқотиб қўйилганида;
- суд ажрими билан хорижга чиқиш биометрик паспортни амал қилиши тўхтатиб турилганда;
- хорижга чиқиш биометрик паспорти ашёвий далил сифатида олиб қўйилганида.

